

ЗУЛҲИЖЖАНИНГ 10 КУНИНИ ҒАНИМАТ БИЛИНГ!



09:52 / 23.08.2017 4087

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

“Аллоҳ таоло наздида бирор кун ва у кунлардаги амал ушбу ўн кун (ва уларда қилинган амал)дан афзал ва суюкли эмас. Бас, у кунларда таҳлил ва такбирни кўпайтиринглар. Чунки, у кунлар таҳлил, такбир ва Аллоҳ таолога зикр айтиладиган кунлардир ва у кунлардан бир кунининг рўзаси бир йилги рўзага баробардир. У кунларда қилинган амал етти юз баробарга тенг бўлади”